

ТАЪЛИМНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Эгамбердиев Азизбек

*Андижон давлат педагогика институтининг профессори,
фалсафа фанлари доктори.*

Аннотация: Ушбу мақолада таълимнинг фалсафий моҳияти ҳақида сўз боради. Таълим институтининг тараққий этишнинг асосий парадигмалари хусусида сўз бориб, унинг ривожланиш йўналишлари очиқ берилди.

Калит сўзлар: фалсафа, таълим, тараққиёт, парадигма, институт.

КИРИШ

Таълим тизимининг моҳияти, жамиятдаги ўрни ва функциялари муаммосига жамият тараққиётининг турли даврларида турлича ёндашилган. Таълим тизимининг юзага келиши тарихига мурожаат қилсак, инсоният ва жамият эволюциясининг дастлабки даврларида таълимнинг махсус ижтимоий институтга айланишига эҳтиёж бўлмаган. Инсонлар ҳаёти ва ижтимоий муносабатларининг содда ва чекланганлиги туфайли бунга эҳтиёж сезилмаган. Чекланган фаолият жараёнида инсонлар мустақил равишда билим олиб, оддий кундалик тажрибага эга бўлиб борганлар. Инсоннинг маълум бир билимларга эга бўлиб бориши бошқалар устидан нисбатан ҳукмронлик қилиши ва юқори мавқега эга бўлишига имкон берган. Бундай кишиларнинг ижтимоий мақоми юқори бўлиб, бу ҳолат ижтимоий тенгсизликнинг юзага келиши сабабларидан бири бўлган.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

“Таълим институтининг бугунги шакли, муҳим билимлар ҳажми ўсиб кетиши натижаси вужудга келган. Чунки тўпланган билимларнинг маълум қисмини ҳам жамият аъзолари томонидан ўзлаштириш имкони қолмаган ва тобора ортиб бораётган билимлар миқдорини бошқариш муаммоси юзага келиш сабабли таълим тизими ижтимоий институт сифатида шаклланган”¹. Ижтимоий тараққиёт давомида жамият аъзоларининг барчаси умумий таълим олиши учун эҳтиёж туғилди. Жамият ҳар бир аъзосининг ижтимоийлашиб бориши жараёни ва улар эҳтиёжларидан келиб чиқиб маълум бир ижтимоий фаолиятни амалга ошириш зарурияти жамиятда таълим тизимининг институционал мақомини мустаҳкамлади.

Бу жараён кишиларнинг билим олиши учун янада кенгроқ имконият яратди. Аста-секин кишиларнинг билим олишга интилиши ижтимоий заруратга айланиб,

¹ Зиновьева Е. А. Социокультурный статус образования как пространства равноправия // Вестник Поволжского института управления, 2009. – № 3 (20). – С. 131-132.

уларнинг жамиятдаги мавқеини белгилай бошлади.

Жамият тараққиётига параллел тарзда таълим тизими тараққий этиб, ўз навбатида ривожланишнинг асосий омилларидан бирига айланди. Ижтимоий эҳтиёжлар ўсиб бориши таълим тизимининг ҳам такомиллашиб боришига олиб келди. Унинг янги элементлари шаклланди. “Шундай қилиб таълим умумтаълим стандартлари оддий саводхонликдан ўрта таълимга ва яқин келажакда олий таълимга ўтиб бориши инсон ҳуқуқлари тараққиёти ҳам инсоннинг ўзига ҳурмати ва қадрининг ифодасига айланди”².

Жамият аъзоларининг таълим олишга интилиши улар томонидан маълум билимларга эга бўлиш ва улар асосида зарур фаолият олиб бориш, рационал фикрлаш орқали ўз ҳаётини моддий ва маънавий таъминлашнинг муҳим омилига айланишига олиб келади. Жамият тараққиёти ҳамда ижтимоий модернизацияси ўз навбатида таълим тизимининг янги элементлари ва шаклларини юзага келтирди. Бунинг натижасида таълимнинг моҳияти ўзгариб борди. “Агар индустриал жамиятга қадар таълим тизими асосан аввалги ахлоқ, маданият, тажриба ва билимни сақлаш ва қайта ишлаб чиқаришга қаратилган бўлса, индустриал жамият таълим тизими маданий ва ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим омилига айланди”³. Билим инсон ва жамиятнинг муҳим кадриятига айланганди. Кадриятлар тизимидан ўрин олди. Инсониятнинг билими унинг тараққиётининг асосий омилларидан бирини ташкил этиб, инсоннинг бойлиги, капитали каби кадриятларига нисбатан билими устун бўла бошлади. Инсоният ва жамият тараққиёти билимлар асосида фаолият кўрсатадиган бўлди. Бугунги кунда жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи билимли субъект бўлиб, билим асосида субъект жамиятнинг бошқа аъзолари билан ижтимоий муносабатларга киришишининг зарур шартига айланди. Шундай қилиб, таълим тизимида ўзлаштириладиган билим жамият ва инсон ҳаёти ҳамда мавжудлигини таъминлаб турувчи ижтимоий омил сифатида намоён бўлмоқда. Демак, таълим ва унда инсон ўзлаштирадиган билимлар ижтимоийгина эмас, аксеологик ва праксологик моҳиятга ҳам эга бўлди. Таълим инсон ва жамиятнинг муҳим ва асосий кадриятларидан бири ҳамда жамият тараққиётини белгиловчи ижтимоий-антропологик ва аксеологик ҳодиса сифатида талқин этила бошланди. У авлоддан авлодга инсоният томонидан йиғилган тажрибани етказиб бериш функциясини бажармоқда.

МЕТОДЛАР

Жамиятда прюларизм бўлиши учун таълим шаклларини ҳам диверсификация қилиш керак. Моҳияти бир хил тизимда тарбия олганлар бир

² Зиновьева Е. А. Социокультурный статус образования как пространства равноправия // Вестник Поволжского института управления, 2009. – № 3 (20) – С. 131-132.

³ Дюркгейм, Эмиль Давид. Социология образования – Москва: Директ-Медиа, 2007. – 115 с. – Режим доступа: по подписке. – URL: <https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=26510>

хил ғоялар ва тасаввурларга эга бўладилар. Бундан келиб чиқадики, таълим тизимининг ўзгариши кишиларнинг, жамиятнинг ўзгаришига, яъни жамиятнинг мазкур тизим берган ғоялар асосида ривожланишига олиб келади. Булар натижасида таълимга, билим олишга муносабат ўзгаради. Маълум ҳодисага кишилар муносабатининг прогрессив ўзгариши эса бу ҳодисаларнинг тараққиётига хизмат қилади. Кўриниб турибдики, жамият тараққиёти ва таълим ривожланиши ўртасида диалектик алоқадорлик бўлиб, улар бир-бирининг ривожланишини тақозо қилади.

Ранг-баранглик бир хилликка нисбатан моҳиятан бойроқдир. Шунга кўра, таълим тизимининг турли кўринишлари юза келиши (хусусий, кўшма, масофавий) уларнинг ўртасида рақобатни кучайтиради ва тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади. Бундай рақобат муҳити таълим субъектларининг: ота-оналар, абитуриентлар, талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун ҳам катта танлов имкониятларини яратади. Ҳозирги кунда таълим дунёнинг ўзгариши туфайли билимнинг қариб (эскириб) бориши, тафаккурнинг эскича усулларини янгилаш, меҳнат фаолиятининг тартиблари ва ташкил этилиш усуллари каби муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиши зарур. Инсонни ўраб турган оламнинг, ижтимоий муҳитнинг ўзгариш суръатлари тезлашиб бораётгани аниқ.

НАТИЖАЛАР

Олий таълим давлат ва жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган институтдир. Шу нуқтаи назардан ҳам бутун дунёда мамлакатларнинг иқтисодий жихатдан ривожланиши олий таълим муассасаларининг малакали кадрлар тайёрлашига боғлиқ эканлиги эътироф этилади. Олий маълумотли кадрларнинг билим даражаси ҳозирги кундаги глобал муаммолар ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида вужудга келаётган, тараққиётга тўсиқ бўлаётган омилларни ўз вақтида ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий таълим тизимининг трансформациясига алоҳида эътибор қаратмоқда: «Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.

МУҲОКАМА

Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттирамиз.

Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасасини конкурс асосида

танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз»⁴.

Юқорида қайд этилган йўналишлар мамлакатда олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асосий жиҳатлари сифатида белгилаб олинди. Тизимдаги ўзгаришларни амалга оширишда қўлланиладиган технологиялар ва уларнинг манбалари аниқланиб, бу борадаги сиёсат маълум бир шаклга эга бўлган қатъий йўналиш сифатида ривожланмоқда. Давлат раҳбари томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун алоҳида стратегия ва уни бажариш бўйича йўл харитаси қабул қилинди. Ҳукуматнинг қатор қарорлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича давлат дастурида ҳам олий таълимни трансформация қилиш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди⁵.

ХУЛОСА

Олий таълимга эга бўлиш тарихий нуқтаи назардан юксак ижтимоий мақомни англатган. Масалан, қадимда «мадраса кўрган» ибораси юксак интеллект ва билим тушунчалари билан синоним тарзда ишлатилганлиги маълум. Бундан юз йиллар аввал университет дипломига эга бўлиш нафақат жамиятнинг эътирофи, балки шахснинг умрбод маълум бир касбда барқарор фаолият кўрсатишини ҳам кафолатлар эди. Шунинг учун ҳам биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси, шифокори ва инженерлари ким эканлиги ҳақида алоҳида илмий тадқиқотлар ўтказилган ва бу каби инсонлар маълум маънода миллий тарихимизнинг бир бўлагига айланди⁶. Эндиликда жаҳон миқёсида олий маълумотли бўлиш инсон ҳаётида муҳим роль ўйнамайдиган, маиший даражадаги бир жараёнга айланиб бормоқда. Биринчидан, олий таълим олиш имкониятлари кенгаяётган бўлса, иккинчидан, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги жадал ўзгаришлар натижасида олинган олий маълумотлилик тушунчаси маълум бир маънода эскирмоқда ва шахсдан умри давомида ўқиш ва ўрганишни талаб қилмоқда. Эндиликда нафақат шахс ва жамият ривожини учун, балки унинг хавфсизлиги учун ҳам мунтазам билим олиш зарур бўлмоқда. 2020 йилда дунё миқёсида тарқалган COVID-19 пандемияси қаршисидаги илм-фаннинг ожизлиги бунинг яққол исботидир⁷. Эндиликда нафақат шифокорлар, микробиолог ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL: <https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020 й.).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида // URL: <https://lex.uz/docs/4751561> (Мурожаат этилган сана: 28.05.2020 й.).

⁶ Биринчи ўзбек профессори, биринчи археолог, биринчи матбаачи ва ношири, биринчи адвокати ҳақида... // URL: <http://uza.uz/uz/society/birinchi-zbek-professori-birinchi-arkheolog-birinchi-matbaach-23-08-2019> (Мурожаат этилган сана: 13.05.2020 й.).

⁷ Statement on the third meeting of the International Health Regulations Emergency Committee regarding the

эпидемиологлар, балки барча касб эгалари ҳам ўз фаолиятига бошқача қараши зарурлиги янада очиқ кўриниб қолди. Шу билан бирга, пандемия олий таълим тизимидаги ўзгаришларга жуда катта туртки берди ва унинг трансформациясини мисли кўрилмаган даражада тезлатиб юборди. Маълумки, билим олиш ва илм ўрганиш инсоният тараққиёти давомида унинг маънавий эҳтиёжига айланиб улгурган. Бу эса олий таълимда ўн йиллар давомида амалга ошган ўзгаришларнинг бир-икки йилда натижасини кузатиш имконини бермоқда. Ушбу ҳолат эса жамият ҳаётининг барча соҳалари каби олий таълим тизими ҳам трансформация қилиниши ва мавжуд жараёнларга нисбатан тезкор жавоб қайтара оладиган ҳолатга келиши зарурлигини кўрсатиб турибди.

outbreak of coronavirus disease (COVID-19) // URL: [https://www.who.int/news-room/detail/01-05-2020-statement-on-the-third-meeting-of-the-international-health-regulations-\(2005\)-emergency-committee-regarding-the-outbreak-of-coronavirus-disease-\(covid-19\)](https://www.who.int/news-room/detail/01-05-2020-statement-on-the-third-meeting-of-the-international-health-regulations-(2005)-emergency-committee-regarding-the-outbreak-of-coronavirus-disease-(covid-19)) (Мурожаат этилган: 13.05.2020 й.).